

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 16 май • № 19 (988)

## БУЮК КЕЛАЖАККА МУНОСИБ АВЛОД

**Мустақиллик йилларида юртимиз ёшлари жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида мамлакатимизда бошқа давлатлар ҳавас қилса арзийдиган ишлар амалга оширилди. Улар билим олишлари учун барча шарт-шароитларга эга бўлган замонавий таълим муассасалари барпо этилди.**

Бугунги кунда таълим масканларида асосий эътибор уларга чуқур ва пухта таълим тарбия беришга, ёт гоёларга қарши кураша оладиган ҳамда ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган маънан етук ва комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми



бўлди. Мамлакатимизда ёшлар масаласида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган пировард мақсад – фарзандлари-

миз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига

олишга қодир бўлиши, миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканлигини, Ватан туйғусини чуқур англайди-

ган, иродаси мустақкам, юксак маънавиятли бўлиб етишишидир.

**Н. ТОЛИПОВ.**

### Пресс-конференция

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СФЕРЕ ОНКОЛОГИИ



**В Национальном пресс-центре Узбекистана состоялась пресс-конференция, посвященная нынешнему состоянию и перспективам развития отечественной онкологии, мерам по повышению качества диагностики заболеваний и современным методам их лечения.**

Министр здравоохранения Узбекистана А. Алимов, директор Республиканского онкологического научного центра С. Наврузов и другие особо отметили, что в процессе осуществляемых под руководством Президента страны масштабных реформ в системе здравоохранения наряду со всеми направлениями медицины в ногу с мировой медициной также развивается и онкология.

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему укреплению материально-технической базы и совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений” от 29 марта 2012 года служит важным руководством к действию в данном направлении.

За счет средств Государственного бюджета и в рамках инвестиционных программ осуществляется системная работа по ре-

конструкции специализированных медицинских учреждений, оснащению их современной медицинской аппаратурой.

Так, для онкологических диспансеров Навоийской, Сырдарьинской и Джизакской областей построены новые здания. В ряде диспансеров организованы отделения радиологии. В области онкологии сформирована единая электронная база данных, что позволяет вести эффективный учет больных, обеспечивать последовательность в диагностике заболеваний, лечении и наблюдении за пациентами, повышать качество медицинской помощи.

Также в сфере онкологии реализуются на практике научные проекты. В частности, в результате научных исследований отечественных ученых достигаются эффективные результаты в хирургическом лечении рака молочной железы, желудка, толстой кишки, мочевого пузыря. Благодаря созданию этих новых методов лечения тысячи больных возвращаются к здоровой жизни.

Организуемые в сельских врачебных пунктах углубленные медицинские обследования слу-



жат важным фактором профилактики среди населения множества тяжелых заболеваний, в том числе злокачественных опухолей, охраны здоровья народа.

Масштабы этой работы ширятся в рамках Государственной программы “Год здорового ребенка”. Продолжается последовательная работа по модернизации и реконструкции медицинских учреждений, оснащению их современной медико-диагностической аппаратурой. В целях популяризации достижений отечественной науки и широкого внедрения передового опыта мировой медицины постоянно укрепляется сотрудничество с научными центрами развитых стран мира.

**На мероприятии была дана подробная информация о нынешнем состоянии оказания медицинской помощи в области онкологии, применяемых в сфере современных технологиях, результатах международного сотрудничества, а также о задачах на перспективу.**

**Б. ХИДИРОВА.**

Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.



# «САЛОМАТЛИК – 2020» МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ»

2014 йил 14 май куни Тошкент шаҳрининг “Пойтахт” бизнес-марказида “Саломатлик – 2020” мақсадларига эришиш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан инсон саломатлиги ва бўлажак насллар камолотига салбий таъсир этатган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган “Саломатлик – 2020” стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари ҳамда бир қанча халқаро ташкилот раҳбарлари, миллий ва хорижий экспертлар иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев кириш сўзи билан очиб, инсон манфаатларини муҳофазалаш, замонавий технологияларга асосланган тиббий ёрдамни аҳолининг барча қатламига етказиш, соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун қулай шароит яратиш Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

– Ўзбекистон инфекция касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш соҳасида секторлараро чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш ҳамда она, бола ва ўспиринлар саломатлиги дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида муваффа-

қиятли тажрибага эга бўлиб, ноинфекцион касалликлар (НИК)нинг олдини олиш ва назорат қилишда бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда, – дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бошлиғи Асмус Хаммерих.



Шу ўринда айтиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақаси Минтақавий қўмитасининг 63-сессиясида Ўзбекистон, бошқа 300 та манфаатдор томонлар вазирлик вакиллари қаторида “Саломат-

лик – 2020” ташаббусини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, вазир ва делегатлар “Саломатлик – 2020” ташаббусини ўз мамлакатларида жорий қилиш бўйича режа ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ушбу стратегия Минтақавий қўмита доирасида қабул қилинганига бир ярим йил бўлаётган бир даврда баъзи мамлакатлар “Саломатлик – 2020”га асосланган миллий стратегик дастурлар ишлаб чиқмоқда. Минтақанинг бошқа мамлакатлари ўз ҳаракатларини натижа ва далилларга асосланган “Саломатлик – 2020” ташаббусининг муҳим тамойил ва тавсияномалари негизидаги алоҳида тематик стратегия ва



мий ошириб бораётган давлатлардан биридир. Бунинг натижасида мамлакатингизда ўртача умр кўриш кўрсаткичини ўзайтириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, касалликларнинг олдини олиш борасида муваффақиятларга эришилаётганлиги Президентингизнинг

соғлиқни сақлаш тизимига қаратаётган эътибори ва одилонга сиёсатидир. Ҳатто, тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган бундай ютуқлар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда, – деди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси вакили, доктор Агис Цоурос.

Халқаро анжуманда “Саломатлик – 2020” стратегиясининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ўзига хос ютуқлар, тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги натижаларига бағишланган маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

Ибодат СОАТОВА.  
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## ТАШАБУС, ФАОЛИЯТ, САМАРА

2014 йилнинг 23 май куни Сурхондарё вилоятида «Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аҳолига профилактика йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш юзасидан Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, республика тиббиёт муассасаларида қарийб беш йилдирки, Инвестиция дастури асосида қўллаб-қувватлаш масканлари қад кўтарди, айримлари эса реконструкция қилинди. Дарҳақиқат, ушбу дастур замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги ётар экан, бундай эзгу ишларнинг бардавомлиги ўз самарасини беради. Зеро, амалдаги фаолиятларга назар ташласак, буларнинг барчаси жамиятимиз тараққиёти йўлида қилинаётган эзгу ҳаракатларнинг дебачаси десак, янглишмаймиз.

## Кўрик-танлов БИЛИМ ВА МАЛАКА СИНОВИ

Я қ и н д а а нъ а н а в и й “Ҳамшира – 2014” кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини янада бойитиш, ҳамширалик ишида эришилаётган ютуқ ва илғор тажрибаларни оммалаштириш, изланувчан, ташаббускор ҳамшираларнинг истеъдодини намойён этишига қўмаклашишга қаратилган ушбу танловда ҳудудий босқичларда голибликни қўлга киритган 13 нафар ҳамшира баҳслашди.

Уйчи туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими ҳамшираси Умида Обидова биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг гастроэнтерология бўлими ҳамшираси Асила Тўхтабоева иккинчи, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилоят филиали жарроҳлик бўлими ҳамшираси Шаҳноза Илҳомжонова ва Наманган шаҳридаги 10-оилавий поликлиниканинг зарарсизлантириш бўлими ҳамшираси Дилфуза Бобожонова учинчи ўринни эгаллади.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ.



Бухорода ҳам “Ҳамшира – 2014” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзига хос кўтаринки руҳда ўтган мазкур кўрик-танловда иштирок этган соҳа мутахассислари Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган тиббий хизмат сифатини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқларини ўзлаштиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Гулбаҳор Сулаймонова биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Беморнинг тез соғайиб кетиши кўп жиҳатдан ҳамширага ҳам боғлиқ, – дейди Гулбаҳор Сулаймонова. – Буни жуда яхши ҳис қиламиз ва беморларнинг тезроқ шифо топиши учун барча имкониятларимизни ишга соламиз. Танловдан ўзим учун кўп нарса ўргандим, ҳамкасбларимнинг ибратли жиҳатларини ўзлаштирдим, тажриба алмашдим.

Танлов якунида голиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Э. ЁДГОРОВ.  
Сурат муаллифи Т. ИСТАТОВ.



Шифокорлар набирам Мунисаннинг саломатлигини текшириб кўргач, унда туғма юрак нуқсонни касаллиги борлигини аниқлашди. Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази мутахассисларига мурожаат қилганимизда набирамни тезда операция қилиш муҳимлигини айтишди. Марказнинг барча тек-


ширувларидан ўтгач, Мунисаннинг даво муолажалари бошланди. Шифо масканининг тажрибали ва истеъдодли юрак жарроҳи Ҳақимжон Абралов раҳбарлигида-

ги тиббиёт ходимлари ўзларининг касб маҳоратларини ишга солган ҳолда набирамнинг операциясини муваффақиятли ўтказишди. Аввало, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги, марказ директори Феруз Назиров ҳамда ноёб истеъдод эгаси Ҳақимжон Абралов ва бўлимдаги барча тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорчилик

билдираман. Уларнинг шарафли ва масъулиятли ишларига омад тилаб қоламан. Юртимиз шифо масканларида ана шундай қўли энгил, меҳрибон, ўз касбининг устаси бўлган соҳа мутахассислари борлигидан фахрлансак арзийди.

Тўймурод ПРИМОВ,  
Қашқадарё вилояти.



Қарор ва ижро

# ФАОЛИЯТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИДА

тиббий хизмат сифати ошаяпти

**Хабарингиз бор, жорий йилнинг 5 март куни «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ жойларида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, қишлоқ врачлари ва ўрта тиббиёт ходимларининг масъулияти ҳамда касб фаолияти натижадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.**

Қарорда Ўзбекистонда қурилишнинг меъёр ва қоидалари, эксплуатация хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган биналарда жойлашган 243 та кам қувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларини тугатиш ҳақидаги банд ўз ифодасини топган. Шунингдек, республика минтақалари бўйича қишлоқ врачлик пунктлари тармоқларини ташкил этиш ва марказий туман кўп тармоқли поликлиникаларида ходимларнинг умумий сони доирасида поликлиника мудирининг ўринбосари – ҚВПлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи лавозимини жорий этиш ҳақида ҳам таклиф киритилган.

Эндиликда қарорга мувофиқ, узоқдаги, бориш қийин бўлган ва чўлдаги аҳоли пунктларида жойлашган ҚВПларининг умумий амалиёт врачларига меҳнатнинг алоҳида шарт-шароитлари учун тариф ставкасига нисбатан 25 фоиз миқдорда махсус ойлик устамалар жорий этилади. Бундан ташқари, ҚВПлари патронаж тиббиёт ҳамшираларининг узлуксиз иш стажы давомийлиги учун устаманинг энг кўп миқдорини тариф ставкасининг 20 фоиздан 40 фоизгача ошириш белгиланади.

Март ойидан бошлаб эса ҳар бир оиланинг қишлоқ врачлик пунктига келиши учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамширасига юкломанинг амалдаги нормаларини камайтириш, шунингдек ҳамширарлик иши ташкил этилиши, дори-дармонларни ҳисобга олиш, сақлаш ва уларни тўғри сарфлаш учун масъул бўлган катта тиббиёт ҳамшираси лавозимини жорий этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга апрель ойидан бошлаб, республи-

ликанинг Бўстонлик, Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Хива ва Жомбой туманларида эксперимент тартибида қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамширалари иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими татиқ этилади ва унинг натижалари ноябрь ойида умумлаштириб, ушбу амалиётни бошқа ҚВПларда ҳам кенг жорий этиш вазифаси юкланмоқда.

Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига ҳам муайян вазифалар юкланмоқда. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт врачлари ва тиббиёт ҳамшираларининг малакасини ошириш ҳамда касбий даражасини такомиллаштиришнинг мукамаллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, яъни бунда тиббиёт олий таълим муассасалари ҳузуридаги умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедралари ҳамда Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш марказининг вилоят филиаллари моддий-техник базасини янгилаш, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари негизда тармоқли компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозланган таълим бериш синфларини ташкил этган ҳолда жойларда умумий амалиёт врачларини масофадан ўқитиш ва билимларини баҳолаш, янгиланган «Умумий амалиёт врачлари» қўлланмасини нашр этиш ва улар билан ҳар бир қишлоқ врачлик пунктини таъминлаш ҳамда йилнинг ҳар чорагида нашр этиладиган «Ўзбекистон умумий амалиёт врачлари ахборотномаси» журнали тиражини кўпайтириш, бир вақтнинг ўзида махсус веб-сайтларда журнал сонларининг электрон версияси нашр этилишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ врачлик



пунктлари тармоғини мақбуллаштириш ва қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимларининг айрим лавозимлари юкломалари нормаларини тартибга солиш натижасида бўшаб қоладиган маблағлар умумий амалиёт врачлари малакасини ва касбий даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш тадбирларини амалга оширишга ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори-дармонлари, реактивлар, инвентарь ва сарфлаш материаллари билан таъминланганини яхшилашга йўналтирилиши белгиланмоқда.

Қарордан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида»-ги Низомга қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, 24-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён қилинмоқда:

«Қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) врачларига ва патронаж тиббиёт ҳамшираларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил

учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори врачлар учун – 50 фоиз, патронаж тиббиёт ҳамширалари учун эса – 40 фоиз;

поликлиникаларнинг ҳудудий участкалари участка терапевтларига, ўсмирлар врачларига, участка педиатрларига ва участка тиббиёт ҳамшираларига, поликлиникалардаги терапия ва педиатрия бўлимлари мудирларига, оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт врачларига, умумий амалиёт тиббиёт ҳамшираларига ҳамда бўлимлари мудирларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 40 фоиз».

Шунингдек, Низомга 24-1-банди қўшимча киритилди:

«24-1. Қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт врачларига – тариф ставкасига нисбатан 25 фоиз миқдорда махсус ҳар ойлик устамалар белгиланади».

Ушбу қарор ва ўзгаришлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

лаш вазирлигининг 7 март куни 80-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб, жойларда қарор ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Қарорнинг 3-бандида жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб, республиканинг Тошкент вилояти Бўстонлик тумани, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани, Хоразм вилояти Хива тумани ва Самарқанд вилояти Жомбой туманларида эксперимент тартибида қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамширалари иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилиши кўзда тутилган эди.

Ушбу банд бўйича айти кунларда юқорида тилга олинган туман ҚВПларида қарор ва буйруқ ижроси бўйича фаолият олиб борилмоқда. Унда асосий функционал вазифалар бажарилишининг тўлиқлиги – аёллар ва болаларни уйда патронаж тартибда бориб кўриш, врач кўрсатмаларини бажариш, аҳолининг санитария-эпидемиология бўйича (Давоми 4-бетда).





хотиржамлигини таъминлаш ҳамда комплекс чора-тадбирларни, санитария-гигиена жihatдан тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирларини мунтазам олиб бориш, шунингдек, патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолиятининг сифати ва натижалари – профилактик эмлашлар, флюорография текширишлар билан қамраб олиш, касалликка чалинишни камайтириш, болалар ва оналар ўлимига йўл қўймаслик масалалари кенг қамраб олинган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи ташкил этилди. 3-банд бўйича вазирлик ва "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, улар эксперимент тартибда назарда тутилган ҚВПларида фаолият олиб бораётган патронаж ҳамшира ҳамда умумий амалиёт шифокорларига Ўзбекистон Республикаси Вазир-

(Давоми. Боши 3-бетда).

лар Маҳкамасининг 50-қарори тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришди. Шунингдек, ишчи гуруҳлари жойларда бўлиб, ҚВП УАШлари ҳамда патронаж ҳамширалар учун белги-ланган иш фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 50-қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 80-сонли буйруқлари ижросини бажарилиши бўйича Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманининг "Кеш" ва "Авазмалик" ҚВПларида бўлиб, патронаж ҳамшираларнинг иш фаолиятлари билан танишдик.

– Бирламчи тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича чиқаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш касб маҳоратимизни ошириш билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишимизда асосий ўринга эга бўлмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

## Қарор ва ижро ФАОЛИЯТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИДА

тиббий хизмат сифати ошаяпти

маси томонидан қабул қилинган 50-қарор патронаж ҳамширасининг аниқ вазифаларини белгилаб берганлиги ҳам инсонлар саломатлиги ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим дастуриламал бўлди. Апрель ойидан бошлаб патронаж ҳамшираларимиз мазкур фаолият бўйича ишларни бошлаб юбордилар. Патронаж ҳамшираларимиз бириктирилган аҳоли ўртасида фертил ёшдаги аёллар ва ҳомиладорлар ҳамда туққан аёллар, шунингдек, болалар орасида касалликларнинг олдини олиш, болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш ва мониторинг юзасидан, болалар орасида профилактик эмлашлар бўйича амалга оширилган ишлар, даволаш ишлари ҳажмини ҳамда тиббий ҳужжатларни юритиш сифатини белгиловчи кўрсаткичлар бўйича иш олиб бормоқдалар. Албатта, шу ўринда кўрсаткичлар, юклама



меъёрлари, режа бўйича қатновсон, хонадонларга қатнаган сон, ижро ҳолати неча фоизда ҳамда баҳолаш каби мезонлар ишнинг асосини ташкил этади. Вазирлик ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ кўрсатаёт-

ган амалий ёрдам, шунингдек, назорат ишлари боис, патронаж ҳамширалар ва УАШларининг ҳамкорликдаги ишлари самара бермоқда, – дейди "Кеш" ҚВП катта ҳамшираси Хайринисо Йўлдошева.

○ Дастур ижроси амалда ○

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИДА

Инвестиция дастури муҳим аҳамият касб этмоқда

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқиши ва унинг бугунги кундаги қамрови кенгайиб бораётганлиги соҳа мутахассислари фаолиятини янада такомиллаштириб, уларнинг касбига бўлган жиддий ёндашувини янада оширмоқда десак, хато бўлмайди. Айниқса, бирламчи тиббий санитария йўналишидаги ишларнинг янада жадаллашуви умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалар, қолаверса, ҳар бир тиббиёт ходими олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, эзгу мақсадларнинг барчаси инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратилганлиги бежиз эмас. Шундай экан, республика миқёсида бардавом бўлиб келаётган Инвестиция дастури замирида ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мезони ётганлигини унутмаслигимиз керак.

**Гулнора ТҲХТАНАЗАРОВА,**  
"Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш  
Тошкент вилояти директори:

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилди. Ҳозирги кунда юртимизда замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган 3200 дан зиёд ҚВПлари, республика шошилч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари, 10 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ва бошқа кўплаб замонавий тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. "Саломатлик-1, 2", лойиҳалари доирасида вилоятимиздаги 261 та қишлоқ врачлик пункти Жаҳон банки томонидан 1,7 млрд. сўмлик ва "Жайка" лойиҳаси асосида Осиё тараққиёт банки томонидан 54 млн. сўмлик, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари туғруқ муассасалари 1,9 млрд. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди (ЭКГ, УЗИ, дистиллятор, тиббий шкаф, лаборатория шкафи, дори-дармонлар учун шкаф, йўргаклаш столи, кушетка, биохимик анализатор, автоклав, стоматологик асбоб-ускуна ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1614-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, лойиҳа қуйидаги мақсадларни ўз олдида устувор вазифа қилиб қўйган:

– бирламчи бўғиндаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига мақсадли ва юқори технологияларга асосланган тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш;

– шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари марказий шифохона ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларни замонавий ва юқори технологияларга асосланган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

– тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг назарий ва амалий кўникмаларини бойитиш мақсадида уларни қайта тайёрлаш, қисқа муддатли ўқув курсларида каскад методида узлуксиз касбий таълимга ўқитиш.

Бугунги кунда вилоятимизнинг Юқори Чирчиқ, Паркент, Пискент, Зангиота туманлари тиббиёт бирлашмалари марказий шифохоналари, кўп тармоқли марказий поликлиникалари биринчилардан бўлиб замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жумладан, рақамли 1 ва 2 типдаги рентген аппаратлари, дигитайзер, автоклав, УЗИ, ЭКГ, совутгич, музлаткич ва бошқалар. Бунинг умумий қиймати 2 млрд. сўмини ташкил қилади.

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб 9 та мутахассислик йўналишида туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда оилавий поликлиника шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимларидан тренерлар тайёрлаш қисқа муддатли ўқув семинарлари бошланган. Тошкент вилоятидан ҳам 80 нафар шифокор тренер бўлиб тайёргарликдан ўтади. Улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йилдаги 402-сонли буйруғи асосида ҚВПлари, оилавий поликлиникаларда фаолият юритиб келаётган умумий амалиёт шифокорларига "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида ўқув қуроллари ва қўлланмалар билан тўлиқ жиҳозланган ўқув хоналарида каскад методида 3 кунлик семинар дарслари ўтказилади. Бу семинарлар педиатрия, репродуктив саломатлик, эндокринология, жаррохлик ва бошқа йўналишдаги долзарб мавзуларга бағишланади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 17 апрелдаги 529-сонли фармойиши асосида 14 та туман тиббиёт бирлашмаси педиатрия ва терапия бўлими мудирлари (жами 35 киши) 28 апрелдан 3 май кунлари лойиҳа доирасида ўқитилди. Бугунги кунга келиб 2012-2013, 2013-2014 ўқув йилларида вилоятимиздан 135 нафар шифокор "Саломатлик-2, 3" лойиҳаси доирасида 10 ойлик умумамалиёт шифокорлари курсларида ўқитилди.

Биламизки, Вазирлар Маҳка-



масининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли қарорига кўра, 2015 йилдан бошлаб вилоятимизда 10 та оилавий поликлиника иш бошлайди. Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Инвестиция дастурига киритилган тиббиёт муассасаларида Жаҳон банки томонидан қўйилган талаблар асосида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 2012 йилда Инвестиция дастурига 15 та соғлиқни сақлаш объекти киритилиб, 18.453.233 сўмлик реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, 2013 йил 11 та объектда 19.559.000 сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Мазкур йилда Юқори Чирчиқ, Зангиота, Паркент, Пискент, Қибрай туманлари тиббиёт бирлашмаларида қурилиш ишлари давом эттирилаётган бўлса, Чиноз, Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари тиббиёт бирлашмаларида реконструкция ишлари бошланган. Жами 34.195.000 сўмлик реконструк-

ция, мукамал таъмирлаш ишлари дастури тасдиқланган. Сифатли, ўз муддатида қуриб битказилган соғлиқни сақлаш объектилари лойиҳа доирасида жиҳозлаб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1614-сонли қарори асосида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида Зангиота, Паркент ва Пискент туманлари тиббиёт бирлашмаларида замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди. Шу билан бирга 18 та шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари тиббий мавзудаги ўқув қўлланмалари ҳам етказиб берилди.

Буларнинг барчаси халқимиз саломатлигини мустақамлаш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтиришда муҳим роль ўйнайди.

(Давоми 5-бетда).

# Узлуксиз касбий таълим ШАХСЛАРАРО МУЛОҚОТ ТАМОЙИЛЛАРИ

саломатликнинг муҳим босқичи

Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда “Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1614-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 15 февралдаги 47-сон буйруғини бажариш бўйича олиб борилган узлуксиз касбий таълим (каскад йўналишида) жараёнлари хусусида пойтахтдаги оилавий поликлиникалар мутахассисларидан тайёрланган тренерлар билан бўлган суҳбатларни эътиборингизга ҳавола этган

Хизмат сафари давомида иккита ўқув семинари параллель тарзда олиб борилганга гувоҳ бўлдик. Биринчи ўқув семинарида Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш биринчи ўқув курси раҳбари Назира Нармухамедова, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти УАШ малакасини ошириш кафедраси ассистенти Муборак Садирова, Тошкент тиббиёт академияси УАШ малакасини ошириш ва

қайта тайёрлаш курси ассистенти Мунира Маҳмудовалар Тошкент вилоятидаги туман тиббиёт бирлашмаларининг терапия ва педиатрия бўлимларида фаолият юритаётган шифокорларга “Шахслараро мулоқот: катталар аудиториясини ўқитиш тамойиллари” мавзусида 6 кунлик ўқув семинарини олиб бормоқдалар. Аввало, ушбу ўқув семинарининг асосий мақсади тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги ўзаро мулоқот орқали турли ёшдаги беморларнинг жисмоний

ва руҳий эҳтиёжларини аниқлаш, баҳолаш ва парваришlashда шахслараро мулоқот кўникмаларини қўллаш натижасида тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат. Семинар иштирокчиларга шахслараро мулоқот кўникмалари бўйича билим бериш ва катталар аудиториясини ўқитишдаги қоидалар, тамойиллар, муаммолар, усуллар ҳақида маълумотлардан хабардор қилиш ҳамда олинган билимларни амалиётга татбиқ этишни ўргатишдан иборатдир.

Машгулотларда иштирок этаётган соҳа мутахассислари билан суҳбатда бўлдик.



**Турсунбой ДУШАБОВЕВ,**  
Тошкент вилояти,  
Оққўрғон тумани тиббиёт  
бирлашмаси бош  
педиатри, болалар  
бўлими мудири,  
**Маъмур АХМЕДОВ,**  
Тошкент вилояти, Қибрай  
тумани тиббиёт  
бирлашмаси болалар  
бўлими мудири:

– Кейинги йилларда соҳага оид чиқарилаётган қарор, фармон ва вазирликнинг барча буйруқларида тизимнинг бирламчи бўғинига эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бундан асосий мақсад, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш ва инсонларнинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини оширишдан иборатдир. Тизимда кадрлар малакасини оширишга қаратилаётган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида олиб борилган узлуксиз касбий таълим жараёнининг йўлга қўйилиши ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз устида мукамал ишлаши учун кенг имконият яратиш бермоқда.

(Давоми.  
Боши 3-4-бетларда).



Давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларининг меҳнати қўллаб-қувватланиб, хизматлари рағбатлантирилаётгани бизни янада масъулият билан ишлашимизни тақозо этмоқда. Ўтказилаётган ушбу “Шахслараро мулоқот: катталар аудиториясини ўқитиш тамойиллари” мавзусидаги ўқув семинари тажрибали мутахассис-ўқитувчилар томонидан чуқур ва қизиқарли олиб борилган келгусида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Дарс жараёнлари жаҳон стандартлари асосида ҳамда интерфаол тарзда олиб борил-

мисол келтирмоқчимиз: ҳудудимизда истиқомат қилувчи икки ёшлардаги болада доимий аллергия хуруж қила бошлаган. Текширув ва муолажалар унга ҳеч қандай ёрдам бера олмади. Касаллик сабабларини чуқурроқ аниқлаш мақсадида беморнинг хонадонидан бўлиб, уй шароити билан танишдик. Аллергияга мойил бўлган барча нарсаларни кўздан кечириб, бола аҳволини кузатдик. Биз гумон қилган аллергия кўзгатувчи буюмлар эмас, балки аквариумдаги ба-ликка бериладиган овқат бо-



лада аллергия кўзгатаётган экан.

Бу билан айтмоқчимизки, оилаларга чуқур кириб бориш ҳамда улар саломатлигини ҳар томонлама муҳофазалашда тиббиёт ходимининг алоҳида ўрни борлиги ва касбий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ўз устида ишлаши муҳим.

Мазкур ўқув семинарида фаолиятимизнинг муҳим жиҳатларига катта эътибор қаратилди. Тренерлик гувоҳномасини олар эканми, ҳар биримиз соҳа мутахассисларини

бор қаратиш кераклиги таъкидланди. Фаолиятимиз жараёнида беморлар билан кўпроқ суҳбат ўтказиш, уларга берган саволларимиз орқали муҳим маълумотларни олишга эришишимиз зарур. Ва унинг касаллик ташҳиси тўғрисида тушунтириш берган ҳолда хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ҳамда тўғри овқатланиш бўйича керакли маслаҳатларни оддий тилда етказишимиз керак. Шу жараёнда берган ушбу



оқоридаги кўникмалар асосида билимларини оширишга ҳаракат қилишимиз зарур.

**Севара УСМОНОВА,**  
Тошкент вилояти,  
**Пискент тумани тиббиёт  
бирлашмаси бош  
терапевти,  
Моҳидил АБДУРАФИҚОВА,**  
Тошкент вилояти,  
**Оҳангарон тумани тиббиёт  
бирлашмаси терапия  
бўлими бошлиғи:**

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу семинарда назарий билимларимизни бойитиш билан бирга, фаолиятимизда қўллайдиган амалий кўникмаларни ҳам эгалладик. Айниқса, тажрибали тренерлар томонидан дарс машгулотларининг мукамал тарзда олиб борилиши, тарқатма материаллар асосидаги таҳлилий натижалар, видеороликларнинг намойиш этилиши, интерфаол усулларнинг қўлланилиши мавзу доирасидаги муҳим жиҳатларни ўзлаштиришимизда катта аҳамиятга эга бўлди. Дарсда ҳар бир тиббиёт ходимининг бемор ёки фуқаролар билан мулоқотини тўғри йўлга қўйиш, улар билан оддий тилда суҳбатлашиш, тиббиёт нуқтаи назаридан деонтология масалаларига эъти-

маслаҳатларимизни бемор ёки фуқаронинг ўзидан қайта сўрашимиз лозим. Чунки тиббиётнинг бугунги талаби инсон саломатлигини муҳофаза қилишда шифокор тактикасини қўллаш муҳимлигини кўрсатмоқда. Стационардаги шифокорлар бирламчи тизимдаги умумий амалиёт шифокорлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борсалар, аҳоли орасида учраётган долзарб касалликларни, қолаверса сурункали авж олиб кетаётган хасталикларнинг олдини олишга эришган бўламиз.

Юқоридаги фикрларимиздан хулоса шуки, ўқув машгулотлари давомида қамраб олинган барча мавзулар шахслараро мулоқотнинг асосий тамойилларини белгилайди. Бизга дарс берган тажрибали устозларимиздан нафақат билим ва тажриба олдик, балки нотиклик санъати ҳамда педагогик маҳоратига эга бўлдик. Бу албатта, туман тиббиёт бирлашмаларида фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимизга дарс машгулотларининг сифатли ўтишини таъминлайди.

(Давоми 6-бетда).





Иккинчи ўқув семинарида иштирок этар эканмиз, у ерда «Саломатлик-3» лойиҳаси режасига асосан тиббиётнинг 9 йўналиши, яъни «Педиатриянинг долзарб масалалари», «Акушер ва гинекология йўналишидаги репродуктив саломатликнинг долзарб масалалари», «Акушерлик ва гинекология йўналишидаги антинатал парвариш масалалари», «Кардиология ва пульмонологиянинг долзарб масалалари», «Отоларингологиянинг долзарб масалалари», «Эндокринологиянинг долзарб масалалари», «Онкологиянинг долзарб масалалари», «Офтальмологиянинг долзарб масалалари» ва «Хирургиянинг долзарб масалалари» бўйича навбатма-навбат дарс жараёнларини олиб бориш кўзда тутилган.

Биз қатнашган ўқув семинарида Тошкент шаҳри ва вилоятининг оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган терапевтлар учун «Умумий амалиёт шифокори фаолиятида кардиология ва пульмонологиянинг долзарб масалалари» бўйича машғулотлар ўтказилаётган экан. Мазкур ўқув семинарини Тошкент тиббиёт академияси қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш 1-ўқув курси ассистенти Абдуқодир Жўраев ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси доценти Роҳатой Нурмухаммедовалар олиб бормоқдалар.

#### Дарс жараёнларига янада ойдинлик киритиш мақсадида ўқитувчи ва тингловчилар билан суҳбатда бўлдик.

**Абдуқодир Жўраев,**  
Тошкент тиббиёт академияси қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш

#### 1-ўқув курси ассистенти:

– Шу кунга қадар ўқув семинаримиз давомида 3 йўналиш орқали соҳа мутахассисларини ўз йўналишлари бўйича ўқитиб, тренерликка тайёрладик. Навбатдаги «Умумий амалиёт шифокори фаолиятида кардиология ва пульмонологиянинг долзарб масалалари» бўйича ўтказилаётган ўқув семинарида юқорида таъкидланганидек, Тошкент шаҳри ва вилоятининг оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган терапевтлар иштирок этмоқдалар.

Ушбу семинардан асосий мақсад, келгусида оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган умумий амалиёт шифокорларини мазкур мавзу бўйича ўқитиш учун тренерлар тайёрлашдан иборатдир. Албатта, бундай қамрови кенг бўлган ўқув семинари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳасининг кўмаги асосида ташкил этилиб, зарурий шарт-шароитлар яратиб берилган. Тайёрланган тренерлар ўзлари фаолият олиб бораётган туманлардаги умумий амалиёт шифокорларига 3 кунлик ўқув семинарини ташкил қилиб, семинар давомида олган билим ва амалий кўникмаларини татбиқ этадилар. Ҳар бир гуруҳда 8 нафардан мутахассис иштирок этиши таъминланади. Ўқишлар тугагач, тренерлар ўқитган УАШлари фаолияти мониторингини олиб борилади.

Дарс жараёнида тингловчиларга кардиология ва пульмонология йўналишидаги асосий касалликларнинг туб моҳияти бўйича керакли назарий билимларни бердик. Масалан, терапевтлар йўналишида мавжуд бўлган кардиологияга хос касалликлар

(Давоми.  
Боши 4-5-бетларда).

инфаркт, инсульт, қон босимининг ошиши, шунингдек, пульмонологияда эса бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив ҳолати каби хасталиклар тўғрисида чуқур маълумотлар бердик. Машғулотларда жаҳон стандартларидан фойдаланиш билан бирга, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан берилган услубий қўланмалар, адабиётлар, тарқатма материаллар, касалликларга оид тайёрланган DVD дискларидан фойдаландик. Бундан ташқари, интерфаол ўйин жараёнларига тингловчилар жалб этилди. Яна шуни айтиб ўтишим мумкинки, тингловчиларнинг ҳар бири ўз билим ва малакасига эга, улар бу жараёнда янада чуқур билим ҳамда тренерлик, яъни педагогик маҳоратга эга бўлдилар. Асосий хулосага келадиган бўлсак, тренерлар бирламчи тизим фаолиятидаги УАШларида бу борадаги билимларни етказишга катта аҳамият берадилар ва мониторингда уларнинг касаллик варақалардаги врач тактикаси бўйича олиб борган ишларини чуқур таҳлил қиладилар.



Демак, узлуксиз касбий таълимнинг каскад усулида олиб борилиши бежиз эмас. Қачонки, қуйи тизимда фаолият тўғри олиб борилсагина ҳар бир касалликнинг олдини олишга ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга эришамиз ҳамда халқимизнинг соғлиғига бўлган эътиборини ошираемиз.

4 та асосий буйруқлари қабул қилинди. Вазирликнинг 2013 йил 4 апрелдаги 100-сонли «Оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги буйруғига асосан шаҳар шароитида бирламчи тиббий хизматни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини яхшилаш назарда тутилган. Шунингдек, 17 майдаги 161-сонли «Бирламчи тиббий санитария муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғининг қабул қилиниши эса қишлоқ врачлик пункт ходимларига анча енгилликлар яратди. ҚФЙ ва МФЙлари билан ҳамкорликда ишлаб, хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини доимий назоратга олиб ўрганиш ва амалий ёрдам бериш имкони туғилди. Шу аснода ушбу буйруқ билан умумий амалиёт шифокори ва оила ҳамширасининг иш меъёрлари белгилаб берилди.

13 ноябрдаги 380-сонли «Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи асосан вазирликнинг 161-сонли буйруғида белгиланган тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган

## Узлуксиз касбий таълим

# ТИББИЁТНИНГ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАРИ

**Очақиз ТҮЙЧИЕВА,**  
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани 7-сон оилавий поликлиникаси бош шифокор муовини,  
**Бахтигул ЖУМАЕВА,**  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар марказий поликлиникаси терапевт хизмати мудираси:

– Мазкур йўналишда олиб бориладиган дарс жараёнлари ҳар биримизнинг фаолиятимизда қўл келади. Барчамизга маълумки, кейинги йилларда давлатимиз томонидан бирламчи тизимга қаратилаётган эътибор боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунда албатта мутахассислар, асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруқлари асосида ишларни тўғри йўлга қўйганликлари ҳам ўз самарасини берапти, десак хато бўлмайди. Биргина 2013 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, тиббий хизматнинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича»



бўлса, 31 декабрдаги 456-сонли «Қишлоқ врачлик пунктлари тиббий ходимларининг юклама меъёрлари тўғрисида»ги буйруғига асосан, 2014 йил 2 январдан бошлаб ҚВПларининг фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг доимий мониторингини олиб бориш ташкил қилинди. Кенг аудиториядаги бундай ўқув семинарлари ҳам бирламчи тизим фаолияти самарадорлигини ошириш натижасида аҳоли саломатлигини сақлаш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Дарс машғулотларида иштирок этаётган ҳамкасбларимизнинг билим ва малакалари етарли бўлса-да, тиббиёт фақат кунлик изланиш ва фидойиликни тақозо этади. Чунки соҳанинг барча йўналишлари масъулятли ва машаққатли бўлиб, унда энг муҳими инсон саломатлиги мужассам эканлигини ҳеч бимиз унутмаслигимиз керак.

Қисқасини айтганда, узлуксиз касбий таълимнинг каскад услубида олиб борилиши куннинг муҳим мавзусига айланиб, шу жараёнда унинг мунтазамлиги ошиб бормоқда. Бундан мақсад, бирламчи тизимдаги меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш, аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, оилаларга чуқур кириб бориш, уларнинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи тўғрисидаги барча маълумотларга эга бўлишимиз зарур. Шунингдек, вазирликнинг 161-буйруғи бўйича маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлашимиз лозим.

**Бахтиёр ШОДИЕВ,**  
Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар кўп тармоқли шаҳар поликлиникаси терапевт-врачи:

– Олти кун давомида умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида кардиология ва пульмонологиянинг долзарб масалалари бўйича тажрибали ўқитувчилар-

дан олган билимларимиз биздаги бўшлиқларни тўлдирди. Дарс жараёнларида кенг мавзулар қамраб олинди, яъни айни кунда аҳоли орасида долзарб касалликларга айланаётган инфаркт, инсульт, қон босимининг ошиши, бронхиал астма ва юқори нафас аъзолари хасталикларининг келиб чиқиши, сурункали кечими, даво муолажалари ҳамда унинг олдини олиш бўйича устозларимиз чуқур тушунчалар беришди. Шу билан бирга, касалликлар тўғрисида DVD дисклари орқали слайдлар намойиш этилди. Бундан ташқари, тингловчилар бир-бирлари билан мулоқот қилиб, ўзаро фикр алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик. Ана шундай узлуксиз касбий таълим жараёнларини ташкил этган, керакли шароит ва имкониятларни яратиб берган, қолаверса, иш фаолиятимиз учун тарқатма материал, услубий қўланмалар ҳамда DVD дискларини тақдим этган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-3» лойиҳаси (Жаҳон банки) раҳбарларига ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

Бугунги кунда республика тиббиёт муассасалари қошида ўқув марказларининг ташкил қилинганлиги ҳам ўша жойда фаолият юритаётган мутахассислар учун муҳим роль ўйнамоқда. Чунки тайёрланиб бораётган тренерлар ўз ўқув марказларида узлуксиз касбий таълим жараёнларини давом эттирадилар. Улар «Саломатлик-2, 3» лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси вилоят филиаллари томонидан компьютер жамланмалари, стол-стуллар, ўқув қуроллари, адабиётлар, услубий қўланмалар, телевизор, прожектор, муляж ва бошқа бир қанча керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бу албатта, дарс жараёнлари самарали ўтишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

**Мен, аввало, касбий фаолиятимни ошириш билан бирга, тренерлик мақоми орқали педагогик маҳоратга эришганимдан мамнунман. Уйлайманки, худудимиздаги умумий амалиёт шифокорларига берадиган дарс машғулотларим давомида янада бой тажриба орттириб, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман.**

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор **Ж. ЖАБРИЕВ.**  
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,  
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.

Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.  
268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz

Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.  
Суратлар муаллифи: Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## Бугуннинг мавзуси

## ВАЛЕОЛОГИЯ — САЛОМАТЛИК ҲАҚИДАГИ ФАН

**Жорий йилнинг 23 май куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Валеология ва уни соғлиқни сақлашга интеграциялаш” 1-республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар тиббиётнинг турли йўналишлари янада тараққий топишига ёрдам беради. Айниқса, бирламчи бўғинда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда юқори технологияли ташҳис ва даволаш услубларини қўллашда ўз ифодасини топмоқда.**

Таъкидлаш муҳимки, нафақат бошқа мамлакатлар, балки юртимизда ҳам юрак қон-томир, онкологик, эндокрин касаллик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. ЖССТ маълумотиغا кўра, ҳаёт сифати ва унинг давомийлиги кўп жиҳатдан ижобий ҳаёт тарзига – 50-55 фоиз; насл – 20 фоиз; экология – 20 фоиз ва тиббиётга атиги 8-10 фоиз ҳолатда боғлиқ бўлар экан. Ушбу халқаро кўрсаткичлар барчамизни республикада профилактик (соғломлаштириш) тиббиётнинг ҳолати ва аҳолининг ҳаёт тарзи ҳақида фикр юритиб, вазиятни мулоҳаза қилишга ундайди.

Бугунги даврнинг талаби ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳоли билан чуқур ишлашни, қолаверса, биргина беморнинг аҳволи эмас, балки бутун оила аъзоларининг саломатлиги учун қай-гуришни тақозо этмоқда. Давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарор, фармон ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги ўз аксини топган бўлиб, бугунги кунда буларнинг ижроси бўйича тизимда кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бирламчи тизимда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникаларда меъёрий ҳужжатлар сони камайтирилиб, шифокор ва ҳамшираларнинг асосий фаолияти кўпроқ аҳоли билан ишлашга қаратилган. Бундан асосий мақсад профилактик ишларни кучайтириб, касалликларнинг олдини олиш долзарб мавзуга айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Барчамизга маълумки, 2006 йилда тиббиёт ихтисосликлари реестрига валеология (саломатлик ҳақидаги фан) предмети киритилди, у одам саломатлигининг сабабларини, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш механизмларини ўрганади. Шундай экан, 2014 йилнинг 23 май куни бўлиб ўтадиган “Валеология ва уни соғлиқни сақлашга интеграциялаш” 1-республика илмий-амалий анжуманида мазкур фан ва унинг инсон саломатлигида тутган ўрни хусусида долзарб мавзулар бўйича ўзаро фикр алмашилади.

Бинобарин, бугунги мавзудан келиб чиққан ҳолда валеология фанининг инсон саломатлигидаги ўрни хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Валеология саломатлик ҳақидаги фан сифатида биринчи бўлиб индивидуал саломатликни тадқиқ қилиш ва бошқариш мумкинлигини исботлади ҳамда умум қабул қилин-

ган нологик-ташҳис (касалликни аниқлаш) моделидан фарқли умуман янги ташҳис моделини яратди: индивидуал саломатлик миқдорини баҳолашга боғлиқ тарзда соғлиқни сақлаш тизимидаги иккита асосий профилактик ва даволаш жараёнидан ташқари, учинчи асосий йўналиш – одам саломатлигини мустаҳкамлаш ва мониторинг қилишга асос солинди.

Одам организми интеграллашган тизимдан иборат, яъни унинг саломатлиги тўқима тузилмалари ва органлар тизимининг ўзаро боғлиқлиги ва ҳамкорлигидан ташқил топганини ёдда тутиш зарур. Агар муолажа жараёни бирор орган ёки тизимга қаратилса, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари эса бутун организмга йўналтирилади. Бу жараён анча мураккаб ҳисобланади ва турли таъсир этиш даражаларини ўз ичига қамраб олади: индивидуал, гуруҳлар ва популяцион (умумий аҳоли). Индивидуал даражада ҳар бир одамнинг саломатлик миқдори (индекс) аниқланади, бу организмнинг регулятор мослашувчанлик (адаптация) қобилиятига боғлиқ бўлиб, у ҳар бир одамда ўзига хос тарзда турлича кечади, ушбу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, саломатлик даражаси ҳам шунчалик баланд бўлади.

Бутун жамиятнинг тараққиёти ва тиббиётнинг келажаги индивидуал шахс ҳамда бутун аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслигимиз керак...

Олинган натижалар, яъни саломатлик миқдори (юқори, ўрта ёки паст)га қараб рационал овқатланиш, жисмоний фаоллик, руҳий-эмоционал ҳолат ва репродуктив саломатликка йўналтирилган соғломлаштириш дастурлари яратилди.

Ижобий ҳаёт тарзини шакллантириш организм резервларини кўтаришга ёрдам беради ва бу нафақат ҳаёт сифатини оширади, балки турли касалликларнинг ҳам олдини олади.

Ҳаёт тарзини шакллантиришда валеологик тамойиллар одам саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган масалаларни ўз ичига қамраб олади ва қандай қилиш керак, деган саволга жавоб беради, булар замонавий илмий-услубий ёндашувларга асосланган. Замонавий валеологик ёндашувлар: мақсадли гуруҳлар, таъсир этиш тамойиллари, стандартлар ва алгоритмларга асосланган. Аҳолини самарали қамраб олиш учун етти та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёш гуруҳларга ажратилган: ёш оила, ҳомиладор аёл, гўдак бола, болалар ва ўсмирлар, ёшлар, етук ва ўрта ёшлар ҳамда кекса ва қариялик даври.



Ушбу мақсадли гуруҳларда ҳаёт тарзини шакллантириш ва иш олиб бориш асосан, одамни тўлиқ тузилма сифатида ҳар томонлама қамраб олувчи тўртта валеологик тамойилга асосланади: маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий. Мақсадли гуруҳларга оид ҳар бир тамойил учун алоҳида стандартлар белгиланади.

Маълумки, Юртбошимиз томонидан 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилинишида катта маъно муҳасам, яъни асосий эътибор Ватанимизнинг келажаги бўлмиш баркамол авлод тарбиясига, ҳар томонлама шаклланган етук шахсларни вояга етказишга қаратилган бўлиб, мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати узлуксиз равишда амалга ошириб келинмоқда. Бугунга келиб Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшлари мамлакатимиз номини илму фан, спорт, маданият ва санъат соҳаларида халқаро миқёсда бутун дунёга танитиб келмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури тарғиб этишда валеологик тамойиллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади, соғлом болани дунёга келтириш ва тарбиялашда, унинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда зар-

**Юртимизда “Соғлом одамнинг саломатлиги” моделини киритиш учун халқнинг маънавияти, маданият даражаси ва турмуш фаровонлигини белгиловчи илмий-ташқилий асосланган концепцияни яратиш зарур. Ушбу концепциянинг асосида қонуний-ҳуқуқий база, давлат ва нодавлат тузилмаларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир одам, барча аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдек эзгу мақсад ётади.**

**Ш. ИРГАШЕВ,**  
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти валеология кафедраси мудир, профессор.  
**Н. МАМАТОВА,**  
тиббиёт фанлари номзоди.

**Маълумки, ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар етказиши. Бу тилсиз ёв бир неча дақиқа ёки соат ичида катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантириши мумкин. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган тоза ҳавонинг таркибини бузади.**

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарида ёнғин хавфини камайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб, ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналардан фойдаланилмоқда. Саноат корхона-

## 101 хизмати

# ДАВЛАТ МУЛКИНИ АСРАШ

### ҳар биримизнинг бурчимиздир

лари, бино ва иншоотлар таркибидан ёнувчи қурилиш материаллари чиқариб ташланмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари мавжуд. Жойларда мазкур йўналишдаги тадбирлар ёнғин техникаси тўғрисидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилади зарур.

Давлат ва жамоат мулкни кўз қорачиғидек сақлаш ва асраб-авайлаш ҳар биримизнинг олдимиздаги катта масъулиятдир. Шундай экан, саноат корхо-

наларида ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш каби тадбирлар цехларда фаолият олиб бораётган ишчиларнинг фаол иштирокида ўтказилиши муҳим. Саноат корхоналарида ёнғин муҳофазасини ташқил қилиш ва ёнғиндан аҳолини огоҳлантириш, ўт ўчириш техникаси ва қуролларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан ҳолларда тезкор ҳаракатга тайёр туриш, доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак.

Мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлари ва халқ хўжалиги

объектларида ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларининг мунтазамлиги боис, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда. Зеро, давлат мулкни асраш ва ҳимоялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**А. ХУСАНОВ,**  
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.





18 май – Халқаро музейлар куни

# БОЙ ТАРИХИМИЗ ВА БЕТАКРОР ТИББИЁТИМИЗ ХАЗИНАСИ



**Ҳар йили май ойида бутун дунёда халқаро музейлар куни нишонланади. Республикаимиз музейлари ҳам ўзининг ажойиб ва дурдона экспонатлари билан халқимизга Ўзбекистон тарихи, унинг аввалги ва бугунги муваффақиятлари, аждодларимиз мероси, санъати ва ижодини намойиш этади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралда чиқарилган 2124-сонли Қарорининг 19-банди, 1-илоvasида 2014 йил май ойида “Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзусида музейлар ойлиги ўтказилиши таъкидланган. Бу ўз навбатида фуқаролар онгида кечаги кунни кўриш, эртани тасаввур қилиш кайфиятини уйғотади.

Президентимиз Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қ. Зоиров номидаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида ҳам жорий йилнинг май ойида “Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор мадания-



тимиз хазинаси” мавзусида ушбу ойликни мазмунли ўтказиш режалаштирилган бўлиб, **май ойининг ҳар шанба куни ҳамда “18 май – Халқаро музейлар куни” муносабати билан очик эшиклар куни ўтказиб келинмоқда.**

Музейга ташриф буюрувчилар учун тиббиётимизнинг ўтмиши ва бугунига оид экспонат-

лар ҳамда илмий-оммабоп фильмларни намойиш этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди, янги кўргазмалардан – қадимги Афросиёб қазилмаларидан топилган археологик буюмлар кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта тассурот қолдирмоқда.

“Очиқ эшиклар куни”да қарор ижроси доирасида мустақиллик йилларида юртимиз тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, шунингдек “Соғлом она – соғлом бола” кўргазмалари тақдим этилаётганлиги ҳам юртимизда босқичма-бос-

қич амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин ифодасидир. Эътироф билан айтиш жоизки, музейимиз пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, жамоат ташкилотлари, аҳоли ҳамда худудлардан ташриф буюраётган меҳмонлар билан доимо гавжум.

**Бой тарихимиз ва бетакрор тиббиётимиз хазинаси бўлган музейимизга сизларни таклиф этиб, барчангизни Халқаро музейлар куни билан самимий кутлаб қоламиз.**

**Маъмура РЎЗИЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қ. Зоиров номидаги Соғлиқни сақлаш музейи экскурсия бўлими бошлиғи.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги  
шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицер унвонига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, олий маълумотли, шифокорлик дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга таклиф қилади.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизмати талаблари асосида амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.  
Телефон: 291-59-02.**

Газета  
муассиси:  
**Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 8152 нусха.  
Буюртма Г-559.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

2014 год – Год здорового ребенка

## УТРО НАЧИНАЕТСЯ С ОСМОТРА



**Каждое утро в детском саду № 482 Мирабадского района города Ташкента медицинская сестра Дильбар Бабаева и педиатр Насиба Саидахмедова свой рабочий день начинают с осмотра детей, пришедших в детский сад, ведь посещают его 225 мальчиков и девочек.**

Бывает, что родители не догадываются о наличии у малыша имеющихся симптомов заболевания или же сами заразились, а ребенка не на кого оставить, и больного приводят в сад, не зная, что делать. Поэтому, определив у малыша признаки болезни, педиатру и медсестре приходится нейтрализовать больного ребенка, поместив его в изолятор и оповестив воспитателя группы о проблеме. Делается рейд по группам,

больницу на учет. В течение нахождения малыша в детском саду мы наблюдаем за его физическим и умственным развитием, а потом проводим встречу с родителями и воспитателем, разъясняем ситуацию по дальнейшему воспитанию и даём установку, что они должны делать дальше. В целях укрепления здоровья детей мы советуем воспитателям готовить витаминные напитки. Надо отметить, что



измеряется температура, проверяются горло, печень, кожные и волосные покровы, чтобы ещё раз перепроверить наличие больных.

– Каждый год, – рассказывает врач-педиатр Насиба Саидахмедова, – мы по плану проводим совместно с семейной поликлиникой № 2 Мирабадского района осмотр детей узкими специалистами, а при выявлении патологии ребенок направляется в профильный диспансер или

детям это нравится, и они с удовольствием их пьют, хотя, как признаются родители, малышу трудно уговорить, но мы стараемся доходчиво объяснить, зачем это нужно делать, и ребенок постепенно начинает понимать важность витаминного напитка. Стараемся, чтобы наши питомцы не болели и были жизнерадостными. Это же наша работа. Мы ее должны четко выполнять.

**А. ПОПОВ.**  
Фото автора.



